Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 107 (5398).
12 МАЙ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОЦИАЛ ВАЗИФАЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолиятида асосий вазифалардан биридир. Тошкент область партия комитетининг 11 май куни бўлиб ўтган пленумида ана шулар уқтирилди. Пленумда КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг якунлари ҳамда область партия ташкилотининг Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг ундаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари кейинги вақтларда маҳаллий Советлар корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини контрол қилиш борасида муайян тажриба тўпланганликлари ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга Советлар имкониятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Халқ депутатлари бир қанча шаҳар ва район Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва халқ истеъмоли моллари сифатини яхшилаш масалаларига етарли эътибор бермаяптилар. Чунончи, Олмалиқ ва Янгийўл мебель фабрикаларида, Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикасида, «Ташгрушка» фабрикасида, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасида ва баъзи бир бошқа корхоналарда моллар сифатини яхшилаш масалалари ҳали ҳам суст ҳал этилмоқда. Ана шу корхоналар территориясида жойлашган халқ депутатларининг Советлари эса эҳтиёж сезилмайдиган, брак маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун уларнинг раҳбарларидан қаттиқроқ талаб қилишдан иборат ўз ҳуқуқларидан фойдаланмаяптилар.

Советлар ва уларнинг доимий комиссиялари капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тегишли даражада ҳамма вақт ҳам контрол қилмаяптилар. Партия комитетлари совет органларида ишлаётган коммунистларга нисбатан талабчанликни оширишлари зарур.

Пленумда умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотини рўёбга чиқариш йўллари ҳам муҳокама қилинди. Ёшларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ишини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

• Йиллик план — муддатидан илгари

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари 1 Май байрамини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, асосий халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда давлат топшириғини муваффақиятли бажармоқда.

Шаҳар статистика идораси маълумотларига қараганда, саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича январь-апрель ойлари плани 101,7 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 2,4 процентга ортиғи билан адо этилди, бунинг ҳисобига қўшимча 29,3 миллион сўмлик товар маҳсулот олинди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги эса 1983 йилнинг январь-апрель ойларига нисбатан 5,9 процент юксалди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 88,2 процентни ташкил этди.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ҳисобига олинган ҳолда маҳсулот реализация қилиш плани 98,2 процент адо этилди. Товар маҳсулотни реализация қилиш бўйича тўрт ойлик топшириқни шаҳарнинг барча районлари бажарди.

Шаҳар районларида саноат ишлаб чиқаришни планининг бажарилиши ва ўсиш суръати йилнинг тўрт ойи мобайнида қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади.

Шаҳар районлари	Реализация бўйича планнинг бажарилиши, процентларда		Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати, процентларда			
	1984 йилнинг апрелида	1984 йилнинг январь-апрелида	Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	Шу йилнинг январь-апрелида маҳсулот планга қўшимча реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятнинг бажарилиши, процентларда
Шаҳар бўйича	101,8	101,7	104,1	106,8	105,9	137,6
Акмал Икромов районлари	101,7	102,0	104,3	105,2	104,2	178,2
Киров районлари	102,0	101,2	105,0	106,5	106,1	104,4
Куйбишев районлари	101,0	101,2	104,4	105,2	104,1	140,4
Ленин районлари	103,7	102,6	104,0	104,1	105,7	220,0
Октябрь районлари	102,5	102,5	104,2	104,9	105,4	156,2
Собир Раҳимов районлари	103,0	101,1	106,6	106,4	105,4	74,7
Сергели районлари	101,2	102,1	107,1	104,3	104,6	174,6
Фрунзе районлари	100,8	100,5	104,1	102,5	101,2	75,2
Ҳамза районлари	101,7	102,1	101,3,	111,9	110,0	144,9
Чилонзор районлари	102,4	102,6	115,8	110,1	104,3	116,6

1984 йилнинг январь-апрель ойларида саноат планини қўшимча 20 миллион 842 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов районида 1.194 минг сўмлик, Киров районида 835 минг сўмлик, Куйбишев районида 2.528 минг сўмлик, Ленин районида 1.000 минг сўмлик, Октябрь районида 2077 минг сўмлик, Собир Раҳимов районида 993 минг сўмлик, Сергели районида 1571 минг сўмлик, Фрунзе районида 880 минг сўмлик, Ҳамза районида 6.850 минг сўмлик, Чилонзор районида 898 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбексельмаш», «Қизил тонг» тикувчилик, «Малика» трикотаж, «Тошкент» мебель бирлашмаси, шаҳар маҳаллий саноатига қараши Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик, «Промстройкомплект», «Ташкентҳлеб» бирлашмалари; «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик заводи, «Ташхимсельмаш», «Ташавтоматика», 4-темир-бетон буюмлари, агрегат, ошхона ва бошқа мебеллар, қуёш тўқсич мосламалар, «Ташэлектромаш», шампан винолари, электромонтаж буюмлари, электр рўзғор буюмлари заводлари; миллий чолғу асбоблари, бош кийимлар, кенг истеъмол буюмлари, упа-элик, қоғоз, «Ўртоқ» кондитер фабрикалари; 4-йирик панелли уйсозлик, ёғмой, 2-уйсозлик, булка-кондитер, қурилиш материаллари саноати комбинатлари ва бошқа корхоналарнинг коллективлари энг юксак суръатларга эришдилар.

Шаҳар индустрияси январь-апрель ойларида халқ хўжалигига планга қўшимча 10 та компрессор, 28 та трактор, 31 та пахта териш комбайни, 42 сеялка, 35 чанглагич-пуркагич, 98 тонна қоғоз, 100 минг ички трикотаж буюмлари, 528 тонна ўсимлик ёғи, 161 минг тонна маргарин ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

Шаҳарнинг кўпгина корхоналари шартнома мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб бериш бўйича тўрт ойлик топшириқни муваффақиятли адо этдилар.

Шу билан бирга тўрт ойлик иш якуни бўйича шаҳарнинг тўққиз корхонаси саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича планни бажармади. Булар 5-ғишт заводлари бошқармаси, енгил металл конструкцияларн заводи, подшипник ремонти заводи, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, тажриба-пилла к а шлик фабрикаси, 1-пойафзал фабрикаси, «Сергели» мебель бирлашмаси, Тошкентдаги вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтининг корхонаси, «Средазкварцсамоц в е т» ишлаб чиқариш экспедицияси каби корхоналардир. Бу корхоналар 3.587 минг сўмлик саноат маҳсулотини ета чиқариб бермадилар.

23 корхона — шу жумладан «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, прессланган плиталар, «Таштекстильмаш», электр монтаж буюмлари заводлари, тара ремонти фабрикаси меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажармадилар. «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, тамаки фабрикаси, экскаватор, картон таралар заводлари, «Учқун» ва металлга ишлов бериш бирлашмалари маҳсулот таннархининг 0,5 процент камайишини таъминламадилар.

Шу кунларда шаҳардаги саноат корхоналарида майолди зарбдор вахтасига якун ясаляпти. Меҳнат коллективлари тўпланган илғор тажрибаларни умумлаштириб, диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратишяпти. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумининг ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан ва меҳнат ресурсларидан янада омилкорлик билан фойдаланиш бўйича қарорлари жанговар программа сифатида қабул қилинди.

Жойларда зарбдор май ойи вахтасини шундай ташкил этиш керакки, токи белгиланган ойлик план ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши унинг натижаси бўлсин. Сифатли, самарали, қолоқларсиз ишлашга бўлган интилиш меҳнат ва ишлаб чиқаришни аниқ ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ўстириш, маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш, шартнома мажбуриятларини тўла бажариш бўйича қўшимча мажбуриятларнинг муваффақиятли адо этилиши билан мустаҳкамланиши лозим.

Фидойилар

Шаҳримиздаги кўпгина саноат корхоналари қаторн металлни қайта ишлаш бирлашмасида ҳам халқ истеъмоли моллари кенг миқёсда тайёрланмоқда. Корхонада эҳтиёжга мос буюмлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида бир қатор технологик тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чиқиндиларни прессловчи ускуналар қайта реконструкция қилиниб, кўл меҳнатига барҳам берилди. Бундан ташқари корхонада янги осма электр крани ҳам ишга туширилди. Бу тайёр маҳсулотларни тез ва ўз вақтида юклаш ҳамда тегишли манзилларга етказиб бериш ишларини анча енгиллаштирди.

Бирлашмада меҳнат интизомига катта эътибор берилмоқда. Натижада эришилаётган ютуқлар ҳам залворли бўляпти. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида корхона бўйича ўн миллион 567 минг сўмлик кенг ассортиментли хўжалик молларн республика савдо тармоқларига етказиб берилди.

КПСС XXVI съездн ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини шараф билан амалга ошираётган бирлашма ишчилари юбилей йилида ҳам фидокорона меҳнат қилишмоқда. Юбилей шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада фаол иштирок этаётган завод фидокорлари йиллик планга қўшимча равишда 150 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш учун курашишмоқда. Завод ишчиларн айни пайтда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент оширш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш ҳаракатига ҳам чин дилдан қўшилиб меҳнат қилишмоқда. Бу ҳаракат натижасида корхона 100 минг сўмликдан зиёд нқтисодий фойда кўради. Бирлашманинг Ҳ. Назаров, А. Ҳакимов. В. Зоҳидова, Е. Сербин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари, айниқса жонкуярлик кўрсатишмоқда. Бу коллективлар йиллик план-топшириқларини 1 октябрдаёқ бажариб, республика юбилейини ёруғ юз билан кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда.

Т. НАЖМИЙ.



Коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Короткова 25 йилдан бери «Промсвязь» заводида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. У илғор слесарь-йиғувчи бўлиш билан бир қаторда ёшларга касб сирларини мунтазам ўргатиб бораётган тажрибали мураббий ҳамдир.

СУРАТДА: шаҳар Совети депутати В. Короткова.

• Истеъмол буюмларига — кенг йўл

РЎЗҒОР ЮМУШИНИ ОСОН ҚИЛАДИ

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Таштекстильмаш» заводида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бугунги кунда тайёрланаётган кенг истеъмол молларининг ассортименти 12 хилдан ошиб кетди. 5 хил ҳажмдаги қозон, гўшт қиймалагич, кийим илгич, омбир, чучвара қолипи ва бошқа буюмлар шулар жумласидандир.

Истеъмол буюмлари цехи пландаги 3 миллион 240 минг ўрнига 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Бу йил яна уч хил янги маҳсулотни ўзлаштириш планлаштирилган. Уврa кесадиган мослама, шарқ ширинликлари қолипи, велотренажёр кабилар шулар жумласидандир. Бу янги маҳсулотлар республиканинг 60 йиллик қутлуғ тўйи арафасида оммавий равишда ишлаб чиқарилади.

— Бу йил 4 миллион сўмлик халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш, маҳсулот таннархини камида 0,5 процентга камайтириш юзасидан мажбурият олганмиз. Унумдорликни қўшимча 1 процент ошириш плндан ташқари 4 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконини беради, —деди цех бошлиғи Б. У. Зоиров.

Б. САЙДАЛИЕВ.

ЯНГИ МОДЕЛДА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида хотин-қизларнинг ёзги мавсумга мўлжалланган янги моделдаги костюм ҳамда қўйлагини тайёрлашга киришилди. Хушбичимлиги, кўринишининг замонавийлиги билан алоҳида ажралиб турадиган ушбу маҳсулотлар май ойи охирларида савдо тармоқларига чиқарилади.

Корхона чеварлари республиканинг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақада фаол иштирок этишмоқда. Иккинчи квартал давомида улар 200 минг сўмликдан зиёд янги либослар тайёрлаш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

РАССОМЛАР — ЁШ АВЛОДГА

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг 11 май куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорлари асосида мактаб ўқувчиларининг бадиий ижодкорлигини ривожлантириш соҳасида республика рассомларининг вазифалари муҳокама қилинди. Пленум иштирокчилари болалар тасвирий санъат ҳаваскорлик студияларида, умумий таълим мактабларида профессионал рассомларнинг оталиқ ишини янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашни такомиллаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Пленумда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб, республика рассомлари асарларининг Москвада ташкил қилинган кўргазмаси якунлари тўғрисидаги ахборот тингланди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Р. А. Аҳмедов илтимосига кўра, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси раиси вазифасидан озод қилинди. Ж. Ю. Умарбеков Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР МАЖЛИСИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленум қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг ана шу Пленумдаги нутқида баён этилган кўрсатмалар асосида доимий комиссияларнинг вазифалари аниқлаб олинди. Мажлисда ана шу масала бўйича Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов доклад қилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида депутатларнинг 19 доимий комиссияси ташкил этилган бўлиб, уларда 395 нафар халқ депутатлари ни ишлаб олиб бораяпти. КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленумининг қарорлари ва ўртоқ К. У. Черненконинг ана шу Пленумдаги нутқи асосида халқ депутатларининг иш планларини, комиссия аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсимланишини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди. Яқин кунлар ичида барча доимий комиссияларнинг мажлисини ўтказиш тавсия этилди.

тонгги газеталарда

▲ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 10 май куни Кремлда расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Испания қироли Хуан Карлос I билан учрашди.

▲ Кеча Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Илгари Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган М. Ф. Солдатов область партия комитетининг иккинчи секретари этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ А. А. БРЯНЦЕВ НОМИДАГИ ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга фаол кўмаклашган, совет кўпмиллатли театр санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун Ленин орденли А. А. Брянцев номидаги Ленинград давлат ёш томошабинлар театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.
Тошкент шаҳри.
1984 йил 11 май.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР академик Катта опера ва балет театрида СССР халқ артисти Саодат Қобулованинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Таниқли бу санъаткор республикамизда опера санъатининг шаклланишида фаол қатнашган. У «Бўрон» операсининг янги постановкасида асосий роллардан бирини ижро этган.

●


«Саломатлик» янги туристик поездн сафарга шайланди. Тошкентнинг темирйўл вокзалидан шанба ва якшанба кунлари бу поезд Тошкент—Хўжакент маршрути бўйлаб сафарга чиқади. Бир йўла саккиз вагонда 550 пассажир жойлашади. Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросининг экскурсоводлари поездда ўрнатилган радиоалоқаси орқали йўл-йўлакай жонажон ўлкамиз ҳақида, унинг ажойиб ороmгоҳлари ҳақида дам олувчиларга гапириб беришади.

●

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғида пойтахт областининг Коммунистик районидан келган Турсунжон Болтабоев бошлиқ дорбозлар группаси маҳоратини намойиш қила бошлади. Маълумки, бу коллектив шу ойнинг бошларида Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида республика юбилейи шарафига ўтказилган дорбозлар конкурсида юксак маҳорати учун биринчи ўринни олишга муяссар бўлган эди.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 18 даража иссиқ бўлди. Ҳаво ўзгариб турса-да ёнингарчилик бўлмайди. Кечаси 8—13, кундузи 21—26 даража иссиқ бўлади.



ЁШЛИК ШИЖОАТИ БИЛАН

Шу кунларда шаҳримиз меҳнат коллективларида юксак сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Пешқадам участка ва бригадалар, ишлаб чиқариш илғорлари ана шу юбилейни 1984 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Шаҳримиздаги подшипниклар ремонти заводининг коллективи ҳам юбилейни муносиб кутиб олиш ниятида. Уз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилган корхонанинг илғор ишчилари вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Ана шулардан бири корхона реставрация цехининг ёш ишчиси Комил Солиҳовдир. Ёшлик шижоати билан меҳнат қилаётган илғор ишчи ойлик нормасини мунтазам 120—130 процент адо этмоқда.

СУРАТДА: К. Солиҳов.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельскийнинг СССРга килган амалий визити тугади. Бу визит мустаҳкам совет-поляк дўстлигининг ва ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлигининг янги ёрқин намойиши бўлди.

Визит давомида зўр сиёсий аҳамиятга молик муҳим ҳужжат — «СССР билан ПХР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000-йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси» имзоланди. Программада ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни янада чуқурлаштириш ҳамда ўзаро маҳсулот етказиб беришни кенгайтириш кўзда тутилади. Фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларида социалистик мамлакатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш замон амри бўлиб қолди. Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ва шу билан бирга халқлар фаровонлигини юксалтириш, мавжуд ресурслардан янада оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, империализмнинг савдо-иқтисодий омилларидан қўпорувчиликдан иборат сиёсий мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларидан пухта равишда ҳимояланиш калити мана шундан иборат.

Польшада социализм қурилиши империалистик реакцияга ва ички контрреволюция кучларига ёқмаяпти. Вашингтондагилар халқ ҳокимиятига қарши иқтисодий жазо чоралари кўриш, қўпорувчилик ҳаракатларини уюштириш орқали социалистик Польшани ҳолдан тойдириш йўлидаги умидлардан воз кечмаяптилар. Халқ Польшаси учун қийин кунларда Совет Иттифоқи унга бебаҳо моддий кўмак ва сиёсий мадад бераётганлиги учун В. Ярузельский самимий миннатдорчилик изҳор этди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг В. Ярузельский билан ўтказган музокараларида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, уларнинг мудофаа иттифоқи — Варшава Шартномаси ташкилотининг мустаҳкамлаш муҳимлиги, шу мамлакатларнинг хавфсизлиги, улар халқларининг тинч меҳнати, ядро урушининг олдини олиш кўп жиҳатдан шу шартномага боғлиқ эканлиги қайд этилди.

Совет-Польша музокараларида халқаро масалалар хусусида тўла якдиллик намойиш қилинди. Энг агрессив империализм кучларининг, аввало ҳарбий устунликка эришишга зўр бериб ҳаракат қилаётган АҚШнинг сиёсати дунёдаги кескинликнинг энг катта манбаи эканлиги кўрсатиб ўтилди. Мана шундай шароитда социалистик давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш учун муносиб чораларни кўрмай қола олмайдилар. Айни вақтда халқаро вазиятни қатъиян соғломлаштириш учун реал имкониятлар бор. Совет Иттифоқининг бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ўртага қўйган таклифларн кенг комплекси мана шунга қаратилган.

Совет кишилари визит якунларини маъқуллаш билан бирга Польшадаги социализм позицияларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишида поляк халқига муваффақиятлар тилайдилар.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС обзорчиси.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда минглаб тошкентликлар намунали транспорт хизмати тури бўлмиш метродан кенг фойдаланмоқдалар. Тошкент метрополитени бир кунда 300 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатяпти. Ҳозир Тошкент метроси шаҳарнинг энг йирик турар жой массивлари — Чилонзор ва Куйбишев районининг маркази — Горький майдонини шаҳар маркази билан боғлаб турибди. Ҳадемай, ер ости йўли Тошкентнинг энг сергавжум Навоий кўчасини Тошкент темир йўл вокзали билан боғлайди. Метросозлар ана шу линиядаги бешта станцияни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига қадар фойдаланишга топшириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Бугунги кунда Тошкент метрополитени хизматидан ҳамшаҳарларимиз ғоят хурсанд бўлмоқдалар. Метрополитен бошқармаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш борасида талай ишларни амалга оширмоқдалар.



СУРАТДА: пассажирларга намунали транспорт хизматн кўрсатиб келаётган «Ленин майдонн» станциясининг бир гуруҳ нлғор ходимларн — (чапдан-ўнгга) операторлар В. Железная, Н. Жолодева, А. Сандова, станция бошлиғи Х. Тошмуҳамедова, навбатчилар Л. Захарова, А. Ханова ва Т. Горбуновалар сменадан сўнг.

М. Нуриддинов фотоси.

МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТИНГ

ТОБЛАНИШ

Кўзларида қатъиятлилик, айни пайтда хнёл табассум жилва қилиб турадиган, кичик жуссали бу йигитни домпо икки ҳолатда учратасиз: ташвишли нигоҳи бир нуқтага қадалган ҳолда нималарнидир хаёл сураётган бўлади. Иккиланчи, қувноқ, шодон пайтда. Шунда қора кўзлари порлаб, хурсандчилигининг боисини ҳар кимга тўкиб солгиси келади...

Унинг исми Абдураҳмон, фамилиясн Расулов. Ҳаёт биографиясн ҳам оддий: ҳали йигирма бешга тўлмаган, лекин қарашларида жиддийлик, ишга иштиёқ сезилиб туради. 1-Пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармасининг комсомол-ёшлар бригадасига етакчилик қилади. Шу бригаданн оёққа турғазиш учун эҳ-е, нималарни бошидан кечирмади, дейсиз... .

—Мен сенга бригада тузишни кўрсатиб қўяман, студент сиртқи...

— Тажрибали бригада бошлиғининг жаҳл билан дабдурустдан айтган бу сўзлари Абдураҳмоннинг кўксига ўқдек қадалди. Нима гуноҳ қилибман дегандек, ажабланиб ҳамкасбларига юзланди. Улар ҳеч нарса сезишмагандек ерга қарашди.

— Гапларингизга тушунмаяпман, Ҳамид ака. Имтиҳонлар билан банд бўлиб, ҳеч нарсадан хабарим йўқ!

— Ҳозироқ бошлиқнинг олдига борамиз. Бу масалани ўзи ҳал қилсин.

Бригадир шундай деди-да, иш анжомларини алмаштира бошлади. Шу тобда Абдураҳмонга илгари билинмаган тор вагон баттар торайгандек уни сиқа бошлади. Ташқарига отилгиси, совуқ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгиси келди. Ҳамкасблари эса уни аста туртиб қўйишди: — «Бардам бўл, Бўш келма!»

Ҳамид ака ташқарига чиқиб кетгач, йигитлар шивирлаб сирни очишди.

— Ўшандаги воқеалар эсингдами?— деди Николай Секаев. — Бригадани иккига бўлиш тўғрисидаги таклифинг! Биз шуни амалга ошишини истаймиз. Етакчиликка эса сени тайинламоқчимиз. Бригадир бўлса бутунлай норозн. Ҳали тайёрмассанлар, дейди...

— Ташқаридан Ҳамид аканинг бўғиқ овози эшитилди:

— Қани, шоввоз юр... Қурилиш бошқармасига бора-боргунча ҳеч ким журъат этиб, миқ этмади. Бирин-кетин бошлиқ хонасига киришлари биланоқ, Ҳамид ака «портлади».

— Илья Константинович,— деди у нажот излагандек, ёлвориш оҳангида. — Булар бебош бўлиб кетишяпти. Кўнгиллари алоҳида бўлишни истаяпти. Ахир ҳали тайёрмассизлар, десам ҳам йўқ. Оёқларини тираб туриболишди. Нима қилишга бошим қотди. Энди яхшиси, ўзингиз ҳал қилинг.

Бригадир устидан худди оғир тоғ кўчгандай чуқур тин олди-да, стулга чўкди. Бошқарма бошлиғи чуқур мулоҳазали одам экан. Суҳбатдошининг гапини бўлмасдан охиригача эшитди. Кейин фикрини баён этди:

— Назаримда улар ҳақ. Буни ташаббус, деса бўлади. Ташаббус ўз вақтида қўллаб-қувватланиши керак. Ёшлар ўзларича иш юритишни, кўпроқ фойда келтириш томонларини ўйлашяпти. Бунинг нимаси ёмон. Наҳотки, сен шуни тушунмасанг. Ёки ўзинг қандай иш бошлаганингни унутдингми?

Ўн етти йиллик меҳнати давомида Ҳамид ака Газизов— тажрибали қурувчи бунақанги дашном эшитмаганди. Очиғини айтганда, ажойиб шогирдларини кўлдан чиқаргиси келмасди. Улар иш деса ўзини ўтга, сувга урадиган моҳир пардозловчи бўлиб етишишди. Ҳар бир топширилган вазифани қунт билан бажаришар, сифат, меъёр доимо уларнинг диққат-эътиборида эди. Шундай йигитларни бошқа бригадага бириктириш мумкинми? Ҳамид ака бунга асло розн бўлмасди. Ёшлар бригаданинг асоси, таянчи эди.

... Ҳамид ака эртаси куни ўттиз чоғли комсомол-ёшларга алоҳида чиқаётган фарзандидек керакли иш анжомларини улашди. Хайрлашаётиб ҳам тунд чеҳраси ёришмади. Сўнгги сўзи шу бўлди. «Барибир ажралиш қийин экан».

Дастлабки кунларда жуда қийин бўлди. Ишлар юришмади. Объектга қурилиш материаллари вақтида келмасди. Ортиқча туриб қолишлар рўй берди. Навбатдаги ой плани ўлда-жўлда қолди. Лекин ёш бригадир. А. Расулов ва унинг ёш аъзолари тушкунликка тушмадилар. Бригадир елиб-югурди. Материаллар таъминотини яхши йўлга қўйди. Беш қаватли бинони бир амаллаб пардоздан чиқардилар.

Кечга яқин бошқарма бошлиғининг ўзи ташриф буюрди. Объектни қаватма-қават, хонама-хона юриб кўздан кечирди. Дафтарига нималарнидир қайд этди. Кейин менга юзланиб:

— Бир ҳафтада етмиш фоиз иш бажариш —ақл бовар қилмайди,— деди афсусланиб. —Атиги йигирма тўрт квартирани ҳам эпломбасизлар. Бунинг устига сифати паст. Бўёқнинг тўкилганини айтмай қўяқолай. Тежамкорликка эришаётганимизни н г «самараси»ми бу?! Уялиш керак, ахир!..

Бригадир Илья Константинович и н г гапларидан қизариб кетди. Тажрибасизлиги билинди-қолди. Бошлиқ кетди, лекин амалий ёрдам тўғрисида ломмим демади. Афтидан бу ёғини бригаданинг ўзига ташлаган эди. Кечқурун бошқарма комсомол комитетининг секретари Анатолий Пардаев антиқа гап топиб келди.

— Ҳамид ака сен билан мусобақалашаман, деб ҳамма ёққа жар солиб юрибди. Агар ютқазадиган бўлсам, отимни бошқа қўяман деяпти. Ишлари жойида, шунга ишонади-да, сенда-чи, иш хуржунми? Қатъий чора кўриш керак.

Смена тугагач, бригадир шошилиб кийимларини алмаштираётган йигитларга бир-бир разм солди. Улар бамайлихотир ҳазил-ҳузил қилиб кетишга ҳозирлик кўришарди. Рустам Мирзаев билан Жумабой Исроилов бригадирнинг хомушлигини кўриб сўради.

— Бирон гап бўлдими?

— Ҳамид ака бизни мусобақага чақираётганмиш,— ҳамма қизиқсиниб бригадирни ўраб олишди.

— Нима таклиф киритасан оқсоқол, —деди қувлик билан олдин бригадирнинг фикрини билмоқчи бўлиб Ҳусанбой Боймирзаев. — Айт, хизматга ҳозиру нозирмиз.

—Тарапла-бедод билан ўтган ҳафтани қоплаш учун шанба куни ҳам ишлашимиз керак. Лоақал тушликкача.

Ҳамма хатосини англаганди. Бу воқеадан кейин йигитлар кунлик план-топшириқлари н и ошириб бажарадиган бўлишди. Лекин биринчи гал Ҳамид аканинг бригадасига ютқазиб қўйишди. Иккинчи марта кучлар тенг келди. Учинчи сафар ғолиблик нашидасини сурдилар. Шу кунларда А. Расулов бригадаси Янгиобод массивидаги турар жой биносида пардозлаш ишларини олиб боряпти...

Мен бу бригада мисолида оловқалб комсомол-ёшларни кўраман. Улар меҳнатда чиниқаётган, тобланаётган замондошларимиздир. Зотан, бу тобланиш уларга чексиз қувонч, бахт, иқбол келтиради. Шундай фидойиларни кўриб қалбинг завқ-шавқларга тўлади, кишининг.

Ш. МАШАРИПОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

ТОПИБ ҚЎЙИЛДИ ВА ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

Ўрта Осиё темирйўли машинистлар тайёрлаш мактаби яқинидаги универмаг ёнида мўъжазгина газета ва журнал дўнчаси ҳам ишлаб турарди. Одамлар у ишлай бошлаганида хурсанд бўлиб «зап жойни топиб қўйилди» деб юришганида тўсатдан дўконча ёпиб қўйилди. Мана бир ярим ойдирки, бу ерда яшовчи аҳоли газета ва журнал қидириб овора.

Шаҳар «Союзпечать» дирекцияси раҳбарлари дўкончани бошқа жойга кўчиришни мўлжаллашаётган бўлса чакки қилишади. Одамлар ранжиб қолиши мумкин. Уларнинг вазифаси одамларни ранжитиш эмас, маърифат улашмоқ.

Н. ОМОНОВ,
Манжара кўчаси, 2-уй.

БИР КУН ИШЛАБ, БИР ЙИЛ ИШЛАМАДИ

Роппа-роса бир йил бурун «Сервис» ходимларига холодильникимизни тузатишга берган эдим. Уларга нақ 55 сўм тўлаб, миннатдор кузатиб қўйдим ва холодильник бир кун ишлаб яна бузилиб қолди. Кейин яна ўша ерга мурожаат қилдим. Бу сафар 57 сўм тўладим ва холодильник икки соатча ишлаб туриб, тағин бузилиб қолди.

Энди бир йилдан бери Бирликдан «Сервис»га қатнаб овораман. Гоҳи холодильникни баҳридан ўтиб қўя қолгим келади, аммо шунча сарсон бўлганим, бехуда пул сарф қилганимни эсласам юрагим эзилади. Оилада эса фақат турмуш ўртоғим ишлайдилар, яхши ниятлар билан пул йиғиб олган холодильнигимизни энди нима қилсак экан?

Ҳ. ИСАЕВА,
кўп болали она, Бирлик массиви.

ГАЗЕТА УЧУН БОЗОРГА

Шундай қилиб «Пичоқчи» маҳалласида турувчи аҳоли энди газета ва журнал харид қилиш учун ҳам «Октябрь» колхоз бозорига қатнайдиган бўлди. Чунки Фаробий номли кўчада жойлашган 1-киоска фақат савлатга қўйилган экан.

Айни кунларда дўкончанинг ичи бўм-бўш, юпқагина эшигида отнинг калласидек қулф. Шаҳар «Союзпечать» дирекцияси раҳбарларига мурожаат қилсангиз пинак бузмайди, ўша дўкон ишламаса ҳам планни дўндиряпмиз, дейди. Балли, азаматлар!

Ҳ. ТОЖИМАТОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ПАТТА ПУЛИГА ЯРАША

Сергели районига жойлашган «Қўйлиқ 5-«Б» массивида кичкинагина бозорча бор. Мана ўн йилдирки ана шу бозорчада сабзавот ва меваларни санитария холатига хилоф равишда ерга, чанг-тупроққа қўйиб сотишга мажбур бўлмоқдалар. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки номи бозорча бўлган, лекин ҳеч қандай шароит яратилмаган бу бозорчадаги деҳқондан ҳар куни патта пули ундирib олинмоқда.

Наҳотки кўча юзига 5—6 та стол қўйиб, устига соябон ўрнатиб, худди 2-Қўйлиқ массивидаги бозорга ўхшатиб бериш Сергели район ижроия комитети ва шаҳар бозорлар бошқармаси раҳбарларининг эсига келмаса?

Н. РИХСИЕВ,
хизматчи.

КОРХОНАЛАР БИР МАРОМДА ИШЛАСИН

ЗАВОД НЕГА СУДРАЛЯПТИ?

ТОШКЕНТ ЕНГИЛ МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР ЗАВОДИ МУҲИМ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ПЛАН-ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРОЛМАЯПТИ.

Бу корхона қарийб бутун мамлакат бўйлаб ўнлаб буюртмачиларга эга. Енгил конструкциялар, девор панеллари, эгик пўлат профиллар саноат ва турар жой қурилиши учун сув ва ҳаводек зарур. Бу буюмлар мамлакатда ягона бўлган Тошкентдаги их. тисослашган заводда тайёрланади.

Корхона коллективи буюртмага биноан бир маромда маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятларини қандай бажаряпти?

Афсуски, кўп ойлардирки, завод қолоқлар сафига тушиб қолган, планлар барбод бўляпти. Буюмлар номенклатурасига риоя қилинмайди.

Мана, енгил металл конструкциялар заводининг қоникарсиз ишлашини тасвирловчи рақамлар.

Шу йилнинг биринчи кварталидаги енгил металл конструкциялар ишлаб чиқариш бўйича план (буюмларнинг асосий номенклатураси) 58,8 процент, 80 миллиметр қалинликдаги уч қатламли девор панели ишлаб чиқариш топшириғи 60,6 процент, томга ишлатиладиган панелларни ишлаб чиқариш топшириғи 62,7 процент адо этилди.

Қолоқликнинг сабаби нимада? Сўнгги пайтда корхонанинг баъзи бир раҳбарлари қолоқликнинг сабабини материаллар бир маромда етказиб берилмаётганлиги билан изоҳлашяпти. Албатта, бу фикрда асос бор. Лекин мана шу баҳона орқасида ўз камчиликларини яширишга интилишади. Тошкент енгил металл конструкциялар заводи директори А. Малявин бундан мустасно эмас. У ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг қоникарсиз ишлаётганлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш ва тан олиш билан бирга, биринчи планга заводни металл ва бошқа материаллар билан қоникарсиз таъминлаётганликларини қўяди. Бунда шу йилнинг биринчи кварталида 2.444 тонна металл, шу жумладан, 1.640 тонна рухданган пўлат етказиб берилмаганлигини тилга олади.

Бу гап ўринли, металл ва бошқа материалларнинг тўла ҳажмда етказиб берилишининг юқори иш маромини таъминлашдаги аҳамиятини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бу енгил металл конструкциялар заводининг қоникарсиз ишлашини оқловчи ягона ва ҳамиша асосий сабаб эмас. Ишлаб чиқариш фаолиятининг бир маромда бўлишига салбий таъсир кўрсатаётган ўз нуқсонлари ҳам бор. Ҳатто, металл мавжуд бўлган пайтда ҳам талайгина ойларда корхона бир маромда ишламади. Иш суръати ҳар хил бўлди. Жумладан, январь ойида биринчи ўн кунликда ойлик маҳсулот ҳажмининг 25,9 проценти ҳажмида, февраль ойининг учинчи ўн кунлигида эса 43,5 процент ҳажмида, март ойида 52,3 процент ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қисқаси, биринчи ўн кунликда сусткашлик бўлади, учинчи ўн кунликда эса ҳа бўл-ҳа бўл бошланиб, шанба ва якшанба кунлари ҳам меҳнат қилинади. Бунинг оқибатида планлар бажарилмай қолади.

Шу йилнинг март ойида ҳафта мобайнида коннекторлар тайёрланадиган, стерженлар пайванд этиладиган участкада бир ҳафта иш бўлмади. Нима учун? Маълум бўлишича, бу ерда компрессор ишламаганлиги учун баллонларда зарур қисилган ҳаво бўлмабди. Мутахассисларнинг инженерлик жиҳатидан ношудлигига ишониш қийин. Лекин компрессор ремонти бир ҳафта давом этганлиги аниқ факт.

Шу йилнинг биринчи кварталида Слепаев станоклари, «Геллер» арралари, болт ўрнатиш бўйича пресслар узоқ вақт ишламаганлиги туфайли енгил металл конструкциялар ишлаб чиқариш плани бажарилмади, қишки мавсумда ишлашга етарли тайёргарлик кўрилмаганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини мураккаблаштирди.

Ёки, масалан меҳнат интизомининг аҳволини олайлик. Завод раҳбарлари ва ходимларининг фикрига қараганда бу борада нуқсонлар бор, аммо бошқа корхоналар билан солиштирганда аҳвол у қадар ёмон эмас. Лекин ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, прогул бўлмаганда, завод ходимлари маъмурият рухсати билан ишдан бараварт кетишмаганида қўшимча харажатсиз 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлур эди.

Корхонада технологик жараёнларни юксак даражада механизациялаш ва автоматлаштириш, маҳсулот тайёрлашда меҳнат ҳажмини камайтириш ишлари суст амалга ошириляпти. Натижада бу ерда газ билан кесиш ишларида механизациялаш даражаси аранг 75 процентни, пайвандлаш ишларида бундан ҳам кам—74 процентни ташкил этди. Инженер-техник ходимларнинг ижодкорлиги қайда қолди?

Шундай қилиб, Тошкент заводи бир маромда ишламаяпти. Бунинг чораси нимада? У билиб хўжалик юритишда, тадбиркорликда, вазифаларни ҳал этишда ғайратшижоат кўрсатишдадир. Хўжалик раҳбари буюртмачиларга зарур маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш учун бўлган масъулиятни тушуниб, қийинчиликлар ва нуқсонларга самарали тадбирларни, дадил ҳаракатларни, тадбиркорликни қарши қўйиб, белгиланган планларнинг бажаришига эришиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида айтиб ўтганидек: **«...биз ҳаммамиз, ҳар биримиз қандай бўлмасин бўшашувчиликни таъқиқлаб қўйсак тўғри бўладн. Давлат плани учун жон куйдириш, ҳатто, истасангиз, ташвишланиш бизни бир дақиқа ҳам тарк этмаслик керак. Келинглар, шунга келишиб олайлик: бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишкаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчанлик ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ бўлиши лозим».**

Тошкент енгил металл конструкциялар заводидаги ишнинг аҳволидан шу нарса равшан бўлиб турибдики, бу ерда бугунги кунда ишлаб чиқаришни бошқаришда қўйилаётган талабни ҳамон чуқур англаб етишмаяпти.

А. БРОНШТЕЙН.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

12 МАЙ, 1984 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ПЛОВДИВ ЯРМАРКАСИ


СОФИЯ. Жаҳоннинг 50 та давлати байроқлари билан безатилган Болгариядаги кўҳна Пловдив шаҳри бугун байрамона тус касб этган. Бу ерда очилган халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг тўртинчи халқаро баҳорги ярмаркасида шунча мамлакат қатнашмоқда. 2.500 дан кўпроқ ташқи савдо ташкилоти ва фирмаси енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги энг янги ютуқларни намойиш қилмоқда. Ярмаркани очиш маросимида БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков иштирок этди.

Ярмаркани ташкил этган Болгария павильонида бой экспозиция тайёрланган. Павильонга қўйилган хилма-хил экспонатлар халқнинг турмуш даражасини тинмай оширишга қаратилган БКП социал-иқтисодий программаси муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Анъанага кўра, Совет Иттифоқи ярмаркасининг энг катта чет эллик қатнашчисидир. СССРнинг ташқи савдо ташкилотлари 5 мингдан кўпроқ экспонатни намойиш қилмоқда. Булар орасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида кооперация асосида ишлаб чиқарилаётган буюмлар бор. Россия Федерацияси ва Пловдив билан биродаралашган Ленинград шаҳри учун бу йил ярмаркада алоҳида бўлимлар ажратилган.

Ривожланаётган мамлакатлар ҳам ярмаркада ўзларининг кўпгина молларини намойиш қилмоқда. Иқтисодий ютуқларнинг ана шу кўригида бу мамлакатлар фаол иштирок этаётганлиги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтиришдан уларнинг манфаатдорлиги ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Шу куни Т. Живков СССР павильонини бориб кўриб, фахрий меҳмонлар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Болгарияда Социалистик революция ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган Пловдив ярмаркасидаги Совет павильонини зўр мамнуният билан кўздан кечирдим. Тарихий қардошларча дўстлик, мақсад ва идеалларнинг бирлиги, ер юзида тинчлик тўғрисидаги умумий ғамхўрлигимиз бизни Совет Иттифоқи билан боғлаб турибди. СССР ярмаркасининг анъанавий энг йирик чет эллик қатнашчисидир. Социалистик ватанни мустаҳкамлашда советлар мамлакатининг меҳнаткашларига бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман».



ГДР. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашн аъзолари—қардош мамлакатлар кўп қиррали ҳамкорлик қилмоқдалар. Шулардан бирн соғлиқни сақлаш соҳасидир.

СУРАТДА: Галле шаҳрида Мартин Лютер номидаги университетининг радиология клиникасида. Бу ерда янги мосламани монтаж қилишда ГДРлик мутахассислар билан биргаликда Ленинграддан келган совет мутахассислари ишламоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

* * *

БХР. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашн доирасида совет ва болгар химикларининг ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Болгарияда бу ҳамкорлик туфайли 30 дан зиёд йирик саноат объектлари ишга туширилди. Шулардан бирн Болгария химия саноатининг тўнғичи—Димитровград комбинатидир. Ҳозир бу корхона тубдан реконструкция қилиняпти. Унда совет ва Чехословакия мутахассислари қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: Димитровград комбинатига кираверишда.

А. Смирнов фотоси. ТАСС.



ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БЕРЛИН. Берлин яқинида жойлашган Клаусдорф қишлоғидаги бинокорлик материаллари заводи янги ихтисосга эга бўлди. Корхона коллективи аънанавий маҳсулот билан бир қаторда ҳозир электрон техникасидан фойдаланишга асосланган меҳнатни рационализациялаш воситаларини ҳам ишлаб чиқармоқда. Шу завод конструкторлари ишлаб чиққан кўпгина ишлаб чиқариш янгиликлари муваффақиятли равишда синаб кўрилиб, ГДР пойтахтидаги қурилиш майдончаларида практикага жорий этилмоқда.

Чунончи, программа асосида бошқариладиган электрон блоклар билан таъминланган ва Клаусдорфда тайёрланган қоришма узеллари баланд бинолар барпо этувчи Берлин комбинатининг мутахассисларига ғоят манзур бўлмоқда. Бундай узеллар бинокорларга бетон аралашмаларни тез тайёрлаш, хом ашёни анча тежашга эришиш имконини беради.

* * *

БЕЛГРАД. Совет Иттифоқининг буюртмаси асосида қурилган янги кема Югославиянинг Мачванска - Митровица шаҳридаги «Сава» кемасозлик корхонаси стапелидан сувга туширилди. «Иргиз» деб аталган бу кема Каспийдаги денгиз бурғилаш платформалари учун мўлжалланган.

Кемасозлик СССР билан ЮСФР ҳамкорлиги бирмунча самарали ривожланаётган тармоқларнинг катта рўйхатида ҳақли равишда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Югославия кемасозлари шу беш йилликнинг ўзидагина СССРга 80 га яқин турли кема, шу жумладан пассажир лайнерлари, танкерлар, қуруқ юк ташийдиган кемалар, пардомлар етказиб беришни режалаштирмоқдалар.

* * *

ТУЛУЗА. Бу ерда 53-халқаро ярмарка очилди. Ярмаркада 70 дан кўпроқ давлат қатнашмоқда.

Тулуза ярмаркасида Совет Украинасининг Тулуза билан биродарлашган пойтахти — Киев тўғрисида ҳикоя қилувчи кўплаб буюмлар қўйилган. Томошабинлар стендлардаги социал-иқтисодий программаларни бажаришда, мавриф ва маданият соҳасида Киев эришган муваффақиятлар акс эттирилган фотоматериаллар билан қизиқиб танишмоқдалар. Экспонатлар киевликларнинг кундалик меҳнатларини, уларнинг коммунистик қурилишда, тинчлик учун курашда қатнашишларини намойиш қилмоқда. Халқ амалий санъатига оид рангбаранг буюмлар кўргазмага қўйилган. Фойеда Совет Украинаси ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда.



Швейцариянинг Фраунфельд шаҳридаги ҳайвонот боғида шерлар оиласида яна тўрт арслон дунёга келди. Шер болалари ҳозир алоҳида жойда сақланмоқда. Ҳаво исиши натижасида улар майдончага чиқиб ўйнашяпти.



Пойтахтимиз меҳмонлари

ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР

Эртага А. А. Брянцев номли Ленин орденли Ленинград ёш томошабинлар театри санъаткорлари пойтахтимиздаги ўз гастролларини ниҳоясига етказади. Бир ой мобайнида ўтган гастроль театр ишқибозлари, тошкентлик ёш томошабинлар учун катта байрам бўлди. Улар «Майдонча атрофида», «Очиқ дарс», «Донна Анна ҳузурида меҳмонда» ва бошқа кўпгина спектаклларнинг қаҳрамонлари билан танишдилар. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи, Я. М. Свердлов номли концерт залида ўтган ижодий учрашувлар томошабинларимиз учун унутилмас бўлиб қолади.

Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, ижодий ташкилотларда театр коллективи билан учрашувлар ўтказилди. Улар Газли шаҳри пионерлари ва мактаб ўқувчилари билан ҳам мароқли суҳбат қуришди.

Театр коллективи учун томошабинларнинг олқишлари энг катта мукофот бўлди. Бугун театр санъаткорлари «Яна меҳмондўст ўзбек заминида учрашгунча хайр!» дейишмоқда.



* * *

СУРАТЛАРДА: спектакллардан саҳналар.

ШАХМАТЧИЛАР ҚИШЛОҒИ

Германия Демократик Республикаси жанубидаги Магдебург вилоятига қарашли хушманзара тоғ этакларида жойлашган Штрёбек қишлоғини кўпгина шахматчилар билади. Ундаги биноларнинг аксарияти шахмат тахтаси сурати билан безатилиб, бу хонадонларда ашаддий шатранжбозлар истиқомат қилишидан дарак беради. Бу қишлоққа биринчи бор қадам ранжида қилган ҳар бир киши бундан таажжубга тушади, албатта. Қадимги одатга кўра, Штрёбек бургомистри, яъни қишлоқ оқсоқоли меҳмонларга пешвоз чиқиб, шахмат ўйнашни таклиф қилади.

КАМАЛАК ШАХМАТ КЛУБИ

Клуб советининг раиси — гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ.

Катта тантаналар пайтида штрёбеклик ёшлар анъанавий «шонли шахмат» томошасини намойиш этадилар. Ҳозирда ҳам шундай.

Кейинги 160 йил мобайнида шахмат — қишлоқ мактабининг мажбурий дарсларидан бири. Мактабда турли-туман шахмат композициялари билан безатилган махсус синф бор. Унинг деворига катта ҳарфлар билан мактабнинг 1823 йилдан то ҳозиргача бўлган 160 чемпионининг номлари ёзиб қўйилган.

Совет гроссмейстерлари ўтказган бир йўла ўйин сеанслари ҳақидаги ёзувлар диққатни тортади. Машҳур гроссмейстер ва адиб Александр Котов 40 маҳаллий ҳаваскор билан ўйнаган сеансидан кейин қишлоқ «Шахмат дафтари»га шундай сўзларни ёзиб қўйибди: «Шахматчилар қишлоғи Штрёбекка қилган сафарим ҳаётимдаги энг катта таассуротлардан биридир. Мен штрёбеклик шахматчи дўстларимга эндиликда санъат даражасига кўтарилган севимли қадимий ўйинимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшишда яна 1000 йил меҳнат қилишларини тилайман».

Ҳа, қадимдан бу ерликлар шахмат ўйнаб келадилар ва бу ўйин уларнинг анъанаю одатларининг ажралмас бир қисми бўлиб қолган. Чунончи, авваллари куёвлар келинни «ютиб олишлари» керак эди. Бунинг учун унинг отаси ёки онаси, кўпинча эса уларнинг илтимосига кўра қишлоқ оқсоқолини шахматда енгиб чиқиши лозим бўлган. Шартга кўра, куёв енгилган тақдирда севиклисидан ажрар ва бунинг устига анчагина пул ҳам тўлар эди. Бинобарин, қишлоқ оқсоқоллигига кучли шахматчини сайлаш одат тусига кирган. Бу нарса жамоага дурустгина даромад келтирган.

Қишлоқнинг «Шахматчилик гувоҳномаси» даги дастлабки ёзув 1068 йилга тааллуқлидир. Бу ердаги тош минора ичига славян князи Гунцелин зиндонбанд қилинган эди. Асир соқчиларга ҳунарини ўргатиб, улар билан шахмат ўйнаб вақтини ўтказган. Шахмат тобора оммалашиб, Штрёбек аҳолисининг энг севимли машғулоти бўлиб қолади.

Ажойиб шахматчилар қишлоғининг шуҳрати бутун мамлакатга ёйилади. Қирол ва епископлар ҳатто бу қишлоқ ҳамда унинг теварак-атрофидаги жойларни айрим солиқлардан озод қилиб, бунинг эвазига истиқоматчилар шахмат ўйинига доимо шай туришлари шарт, деб қўядилар. Бинобарин, истаган пайтда меҳмонни кутиб олиш ва у билан ўйнаш учун ҳар бир хонадонда албатта шахмат тахтасию зарур доналар бўларди.

Бу йил Штрёбекда ишлаб турган шахмат секцияси ўзининг юз йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан қишлоқда анъанавий турнир ўтказилиб, унда 26 та шахмат командаси иштирок этди. Кейин қишлоқдаги майдонда катта шахмат тахтаси пайдо бўлди. Сипоҳу пиёдалар ролини маҳаллий аҳолининг ўзи бажарди.

Штрёбек — шахматнинг кундалик меҳнат, ҳордиқ ва кўнгил ёзиш билан ажиб уйғунлашувининг яққол тимсолидир. Бундан ўн йил бурун шу ерда бўлган Анатолий Карпов «шахмат хроникаси»да шундай ёзув қолдирган экан:

«Шахматчилар қишлоғи Штрёбекнинг шуҳрати ГДР чегараларидан анча нарида ҳам жаранглайди... Дунёда ягона бу шахматчилар қишлоғига чин кўнгилдан ривожу муваффақиятлар тилаймиз!»

ШАНБА ОҚШОМИ

● *Болалар сўзлаганда*

ҚЎЛ

Аъзам ҳайрон бўлиб онасидан сўради:

— Ойи, нега қўшни холам ҳар доим қўлим калта, дейдилар. Иккала қўллари ҳам узун-ку.

ҚОПҚОҚ

Олма, олчалардан компот қилиб банкаларга жойлаётган онасидан Шунқор сўради:

— Ойи, қопқоғини ёпиб қўймасангиз олма, олчалар қочиб кетадими!

ПОЕЗД

Бир машина иккинчи бир машинани тросс билан тортиб кетаётганини кўрган Жаҳонгир дадасига деди:

— Дада, ановуни қаранг, поездли машина кетаяпти.

ДЕРАЗАДАН ТУШМАЙМАН

Ўз ҳовлиларида уйга доим деразадан кириб чиқадиган Санджон деразадан пастга қаради-да, ойисига деди:

— Ойижон, уйга борганда энди ҳеч деразадан уйга кириб чиқмайман.

ҚУЛОҚ

Икки қулоғи кесилган итни кўрган Зафар чопиб бориб онасини қучоқлади:

— Кўрдингизми ойи! — деди у. — Анови кучук онасининг айтганини қилмагани учун. унинг қулоғини кесиб олибди.



УМР ВА МЕҲНАТ ҲАҚИДА

● Умр инсонга қодир табиат инъом этган туҳфаки, бу саодатдан яхшилик ва яхши ишлар қилишда баракали фойдаланиш керак.

● Умр — муз эмас, бир жойда қотиб турмайди, тошқин каби тез ўтади, унинг қадрини билиб яшаган одамгина муродига етади.

ҲИКОЯТ: Катта бир анҳор бўйида бир мўйсафид айланаётган чархпалакка қараб, соя сурмб ўтирган экан. Мўйловни энди сабза урган бир шўх йигитча чолга ҳазилнома айтибди:

— Ҳа ота, салқинлаб, дам олиб ўтирибсизми?

— Йўқ, дам олаётганим йўқ, — дебди мўйсафид жилмайиб. — Мен ўйлаяпман, болам, мана бу чархпалакка қараб, ўтган умримни сарҳисоб қиляпман. Чархпалак айланяпти, Ер айланяпти, умр ўтиб боряпти. Ҳаётимни қандай ўтказдим: нима яхши ишлар қилдиму, нималарда хатога йўл қўйдим. Заҳматли, самарали ишларимдан қувонаман, хатоларимга куюнаман, зое кеттан вақтларимга ачинаман.

Ўйинқароқ ёш йигит мўйсафиднинг бу доно сўзларини ўйлаб, умрни беҳуда ўтказмасликни дилига жо этиб олди.

● Ҳаётнинг зийнати — меҳнат.

ҲИКОЯТ: Бир киши Луқмони Ҳаким ҳузурига бориб, кўпдан бетоблигини, нима чора қилса тузалишини сўрабди:

— Ҳаётда нима юмуш билан шуғулланасан?

— Омборда қоровулман, эртаю-кеч ётаман.

Луқмон уни анча кузатиб, шундай маслаҳат берибди:

— Аввало касб-корингни ўзгартир. Ҳовлингга еттита терак эк, улар катта бўлгач, ҳовлингни кунгай томонига баланд қилиб бир иморат қур. Яна ҳовлингга анор, узум, ўрик ва олма кўчатлари ўтқаз. Мана шуларнинг мевасидан еб, кунгайга қаратиб солган иморатингда бот-бот дам олиб, боғ ишларига астойдил берилсанг, тезда тузалиб кетасан.

Бемор киши Луқмоннинг айтганларини қилибди: ҳовлисига тераклар, мевали дарахтлар экибди, кун бўйи терлаб-пишиб ишлайверибди. Кундан кунга унинг иштаҳаси очилиб, кечалари ширин ухлайдиган бўлибди. Боғидаги мевалар кўп ҳосил бериб, рўзғори ҳам яхшиланибди. Теракларни кесиб, ҳовлисининг кунгай томонига кўркам бир кошона ҳам қурибди. Шундай қилиб, Луқмони Ҳакимнинг маслаҳати билан меҳнатда жавлон урган бемор киши соғайиб, бахт-саодатли бўлиб кетибди.

● Енгил ҳаёт қидирган одам ёмон кун кўради.

● Дангаса одам узоқ яшаганини кўрмадим, меҳнат қилган саксовулдек чиниқиб, узоқ умр кўради.

ЛАТИФА: Катта чинор салқинида хўппа семиз иккита ялқов қорин силаб ётишар экан. Қишлоқдаги одамлар:

— Бу ялқов, дангасалар яна ўлиб-нетиб қолмасин, — дейишибди-да, уларнинг олдига бир товоқ қаймоқ билан иккита нон қўйишибди. Буни кўриб ялқовнинг бири дептн:

— Оҳ-оҳ-оҳ, товоқдаги қаймоқдан жудаям ялагим келяпти.

Иккинчи дангаса пешонасини тириштириб дериш:

— Вой-во-ей, шу гапни қандай эринмай айтаяпсан.

● Меҳнаткаш одамда ғийбат бўлмайди, дили гулдек очилиб туради.

Момонинг котиби
Тўлқин РАСУЛЕВ.

Қадимдан техниканинг душмани деб ҳисобланиб келган вибрация унинг яхши иттифоқчисига айланмоқда. Яқин фурсатда у халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат унумдорлигини анча оширишга, хом ашёни тежашга, меҳнат сарфини камайтиришга имкон беради.

● ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯДАН РЕПОРТАЖ

ВИБРОТЕХНИКАНИНГ ЯНГИ «КАСБ»ЛАРИ

Каунас политехника институтининг профессори К. Рагульский раҳбарлигида бир қанча оригинал қурилмалар яратилдики, улар бошқариладиган вибрация ёрдамида ғоят мураккаб ишларни бажара олади.

Биз институт лабораторияларидан бирида миз. Виброқурилмаларнинг бир зайилда гувиллаши эшитилиб турибди. Улар металларнинг эскириш жараёнини бир неча баравар тезлатади.

— Мураккаб конструкцияларни пайвандлаётганда, металл ичида зўриқишлар вужудга келади,— дейди олим. — Агар шу зўриқишлар олдиндан йўқотилмаса, конструкция кейинчалик деформацияланиши, ишдан чиқиши мумкин. Шунинг олдини олиш учун металл сунъий эскиртирилади. Ҳозирга қадар бундай жараён мураккаб бўлиб, қимматга тушарди. Кўп тонналик металлни термопечга қўйиб, сўнгра уни тез совутиш осон иш эмаслигини тасаввур этиб кўринг. Эндиликда бу ишни бошқача қилиб бажарса бўлади. Конструкцияга бир неча чоғроқ виброқурилмалар бириктирилса, металлдаги ички зўриқиш худди мўъжиза рўй бергандек барқарорлашади. У шаклини ўзгартирмайдиган бўлиб қолади. Металларни янгича эскиртириш методи бутун мамлакат миқёсида йилига ўн миллионлаб сўм пул тежаш имконини беради.

Профессор К. Рагульский лабораторияда бунёд этилган бошқа янгиликлар билан ҳам бизни таништиради. Мана бу қурилма одам иштирокисиз, нўхотдан ҳам кичик подшипникни йиғмоқда. Бундай «виброманипулятор» моҳир заргардан қолишмайди. Учиш аппаратлари, кемалар, машиналар пухталигини прогноз қилишга имкон берадиган ускуна фан-техника тараққиётини тезлатишда катта самара беради.

Каунаслик олимлар вибрация зиммасига юклаётган вазифаларнинг ҳаммасини санаб адо қилиш қийин. Улар жумладан, митти роботлар, прецизион системалар, интеграл схемаларни яратишда микротебраниш ҳодисасидан фойдаланяптилар.

Вибрация ўзини-ўзи «жиловлаши» ҳам мумкин. Металл ишловчи станоклар, тўқув машиналари ва йигириш машиналарининг одам учун зарарли тебранишларини бостирадиган генераторлар ишлаб чиқилди.

(ТАСС).

● ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

Ер ости қасрида

Бобом келдилар атай,
Қишлоқдан меҳмон бўлиб.
Тошкентни бир кўрсатай,
Дедим мен, мезбон бўлиб.
Қилиш учун томоша,
Икковлашиб йўл юрдик.
Хадра, Бешёғоч оша,
Чилонзорга мўл юрдик.
Пиёдамас, албатта,
Автобусу трамвай,
Қайга борсак бекатда,
Туришади йўлга шай.
Кўрдик Ленин музейин,
Дўстлик саройларини,
Боғлару кўллар бўйин,
Тарихий жойларини.
Метрога тушдик кейин,
Қандиллар чарақлайди.
Кенг заллар кундуздайин,
Мармари ярақлайди.
Бобом боқиб ҳайратда,
Чайқадилар бошини.
Сийпаб қўйдилар, ҳатто
Устунларнинг тошини.
«Товба, ақлим ожиз-а,
Ҳаммаёқ турса порлаб.
Мўъжиза-ку, мўъжиза», —
Дерлар бобом такрорлаб.
«Мўъжизамас, Тошкентнинг
Ер ости қасридамиз, —
Дегим келар бобомга,—
Техника асридамиз».
Метрода ёруғ, шинам,
Вагонларга жойланиб,
Ер ости қасрини ҳам
Маза қилдик айланиб.
Тошкент билан танишиб,
Бобом бўлди жуда шод.
Мақтаб, қўйдилар қўшиб:
— Балли экскурсовод.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.



Бугунги Тошкент. Кейинги йилларда Қорасув массиви замонавий муҳташам уйлар билан тўлиб боряпти. Янги уйларга ҳамшаҳарларимиз ҳар ойда кўчиб ўтмоқдалар.

СУРАТДА: Қорасув—3 ва Қорасув—4 массивларида бунёд этилган янги турар жой бинолари.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

ИНДАМАЙ ЎТАВЕР

— Шошма. жаҳли чиққан одам билан кўришганда нима қилиш керак?

— Менимча салом бериб, индамай ўтиб кетиш керак!

— Ундай бўлса, кўп вайсамай саломингни бериб, индамай ёнимдан ўтиб кетавер.

ОДАТ

— Дадаси, ҳар байрамда кучоқ-кучоқ совға олиб келадиган одатингизни яхши кўраман-да.

— Сенга ёмон кўринсам ҳам, шундай одатимни энди ташламоқчиман.

ҚЎШНИ

— Биродар, кечирасиз-у, кўзимга жуда иссиқ кўриняпсиз.

— Эсингиз жойидами, дармиён қўшнингизман-ку, Турсун ака.

С. САЙДУЛЛАЕВ.

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинари тингловчилари диққатига.

14 май соат 18.30 да «Билимлар уйи»да «Совет Ўзбекистони—Шарқда социализм машъали» мавзуида назарий конференция ўтказилади. Раҳбар—тарих фанлари доктори А. Йўлдошев.

«ШАХМАТ ВАСВАСАСИ»

Марказий телевидение орқали шу номдаги фильм кўрсатилганига унча кўп бўлгани йўқ. Унда акс эттирилган воқеа ҳам, фильмнинг ўзи ва уни яратганларнинг тақдири ҳам диққатга сазовор.

Оташин большевик-революционер, 14 йил СССР шахмат ташкилотига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилган Николай Васильевич Крыленконинг (1885—1938) ташаббуси билан 1925 йилнинг ноябрь—декабрь ойларида Москвада биринчи халқаро турнир ўтказилиб, унда жаҳоннинг кўпгина машҳур шахматчилари қатнашган, турнир жуда катта қизиқиш уйғотиб, ўша пайтдаги газеталарнинг ёзишича, чинакамига «шахмат васвасаси» га сабаб бўлган.

Машҳур кинорежиссёр В. Пудовкин ўзининг ўта қувноқ комедиясини ҳам «Шахмат васвасаси» деб атаган. Бу комедиядаги бош ролларни атоқли артистлардан А. Кторов, А. Фогель, М. Жаров, биринчи совет кинорежиссёри Я. Протазанов ва бошқалар ўйнаган фильмда ўша пайтдаги жаҳон чемпиони, истараси иссиқ хушбичим кубалик йигит Хосе Рауль Капабланканинг ўзи ҳам суратга тушган. Бутун шаҳар шахматча либосда: трамвайлар ҳам, сотувчилару харидорлар ҳам... катак-катак кўринади.

Фильм қаҳрамони— Кторовни оқу қора катаклар қувиб келяпти, у бўлса севгилисини топиб, оёғига ташланади-да... шахмат масаласини еча бошлайди... Бир вақт йўл қоидасини бузган «хира» дан милиционер жарима олмоқчи бўлиб турганда, у чўнтагидан пул ўрнига ён шахматини чиқариб, соқчи билан Нимцович ҳимоясини ўйнаб турганини кўрасиз... Биров аптекачи Протазановнинг олдига кирганда у сўраган дори ўрнига фарзинни ўраб беради... Яна бир кадрда тувакда ўтирган икки гўдакнинг шахмат ўйинини кузатаётган бувини кўриб ҳанг-манг бўласиз...

Хуллас, фильм жуда ажойиб ишланган. Бу машҳур кино устаси В. Пудовкиннинг биринчи картинаси эди. Картинага мавзу бўлган биринчи Москва халқаро турнири эса, ёш совет шахматчилари ижодига кўрик ҳамда бутун мамлакатда шахматнинг тез суръатларда ривожланишига катта турткн бўлди.

ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР

Бундан 20 йилча бурун журналистлар Пауль Кересдан:

— Нега аёллар ҳали ҳам шахматда кўпинча эркакларга ютқизадилар! — деб сўраганларида, машҳур гроссмейстер ҳазил-мутойиба аралаш:

— Аёл кишини беш соат (катта мусобақаларда ўйин шунча давом этади) индамай ўтиришга мажбур этиб бўлмайди,— деб жавоб берган экан.

СССР спорт мастери
Мамажон **МУҲИДДИНОВ**
тайёрлаган.

● *Мўъжизалар оламида*

Сабзавот музикаси

Япониялик Тару Камия бошқа музикачилар сингари музика асбобларини магазиндан сотиб олмайди ёки устага буюртма бермайди, балки уларни... томорқасида етиштиради. «Сабзи, қовоқ, гармдори ёки редисканинг ўзагини усталик билан олиб ташлаб, сўнг уларни офтобда қуритсангиз бас — пуфлаб чалинадиган музика асбоби тайёр. Сабзавотдан ясалган музика асбоби най, карнай ёки кларнетдан ҳеч қолишмайди. Бунинг устига улар такрорланмас табиий оҳанг чиқаради», деб таъкидлайди созанда. Тару Камия, хотини ва унинг дугонаси Кадзуко Йосидадан иборат созандалар классик ҳамда енгил куйларни маҳорат билан ижро этиб, муваффақият қозонишяпти.

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

«ПЕШТАХТАБОЛ»

ЁКИ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»ДА МОЛЛАРНИ ЯШИРИБ СОТИШ БЎЙИЧА ЧЕМПИОНЛИК СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН АНТИҚА МУСОБАҚАДАН РЕПОРТАЖ

Диққат қилингиз! Микрофонимиз «Таштекстильшвейторг»нинг марказий 1-магазини савдо майдонига ўрнатилган. Магазин ходимлари ҳадеб «Пахтакор» командаси ютқазавергач, хуноблари ошиб «Пештахтабол» ўйинини ижод қилдилар. Ўйиннинг асосий шарти — пештахта ортидан ноёб молни ўраб-чирмаб, лақма харидорнинг ҳамёнига гол уришдан иборат. Бунда гол урган киши бир эмас, бир неча бор манфаатдор бўлиши мумкин.

Шу кунгача «Сотувчи-чайқовчи» ва «Лақма-харидор» командалари ўртасида бир неча бор ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтган. Лекин бугунгиси алоҳида расмий ўйин ҳисобланади.

Э, кечирасизлар, асосий нарсани унутаёзибмиз. «Пештахтабол» ўйинининг ташкилотчиси 1-магазин директори Иосиф Юханович Шиманов ва мудир лақма-харидорлар. Шиманов бир йўла командага бош тренерлик ҳам қилади. Тренер майдон ташқарисида юлдуздек бир чақнаб, пайдо бўлганида, ўйинчилар бундан жуда руҳланиб кетишади, кетма-кет қоидани бузишиб, ҳужумга ўтадилар...

Мана, майдонга «Сотувчи-чайқовчи» ва «Лақма-харидор» командаларининг ўйинчилари кириб келишяпти. «Сотувчи-чайқовчи» командаси вакиллари бугун ўз териларини қалин қилиб олган ҳолда майдонга тушаяптилар. «Лақма-харидор» командаси ўйинчиларининг беллари эса бақувват, бирмунча «содда» кийимда ўйинга тушяптилар.

Ие, ўйин бошланишига уч минут вақт қолибди. Вақтдан фойдаланиб, сизларни команда состави билан таништирайлик.

«Сотувчи-чайқовчи» командаси: команда бош тренери юқорида айтганимиздек, Шиманов. Дарвозада кечирасиз, изоҳ беришга тўғри келади, яъни ноёб моллар омбори дарвозасида «Аёллар пальтоси» секцияси мудири Матлуба Темирова. Тажрибали дарвозабон. Баъзан қизишиб, ўйинга ҳам кириши кетади. Айтишларича, рақибларни кўп марта доғда қолдириб, «Лақма-харидор»чиларнинг ҳамёнига зарб билан тўп киритган экан. Бугун ҳам кайфияти аъло кўринади. Назаримизда майдондан қуруқ кетмайдиганга ўхшайди.

Ҳимояда эса «Болалар кийимлари» секцияси мудири Лидия Матвеева ўйнайди. Анча хушёр пештахтаболчи. Айниқса, техникани пухта эгаллаб олган. Ҳали бирор марта «Лақма-харидор»чиларга чув тушмаган. Ўзи ҳам тез-тез ҳужумга ўтиб, дарвоза олдида хавфли вазиятларни вужудга келтиради. Тепган тўпи беҳуда кетмайди. Кўпинча мўлжалга уради. Яқинда у «Олғир Пештахтаев» клубига аъзо бўлиши мумкин. Бунинг учун у бугунги ўйинда яна битта тўп киритиши керак. Қани кўрайликчи, Матвеевага омад кулиб боқармикан!..

Ҳужумда ҳар галгидек шиддаткор ўйинчи, «Аёллар кўйлаклари» секцияси мудири Зуҳра Зайнитдинова. Бу ҳужумчи майдондан қуруқ чиқмайди. Ўта тиришқоқ. Гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан ёриб ўтиб, кучли зарбалар беради. Рақибни финтлар билан довдиратиб, «пақ» этиб гол уради-қўяди. Жуда хавфли ҳужумчи...

Ия, мана судьянинг ҳуштаги ҳам чалинди. Ўйин бошланди. Майдонга кириб келаётган «Лақма-харидор»чиларни «Сотувчи-чайқовчи» командаси ўйинчилари қаттиқ таъқиб остига олдилар. Улар рақибларни бир зумда гипноз қила бошладилар. Ё, товба, «лақма-харидор»чиларнинг беллари бақувват кўринади. Улар майдонга деҳқончасига кириб келяптилар. Бу «сотувчи-чайқовчи»ларга қўл келяпти. Улар рақибларини турли йўллар билан гангита бошлашди. Мана, Матвеева харидор Иброҳимовани бир эмас, икки марта алдаб ўтиб, дарвозага болаларнинг Чехословакияда ишлаб чиқарилган ўйинчоқ костюмларнинг тўпдек зарб билан йўналтирди. Гол... Шундай қилиб, ўйинда ҳисоб очилди. Тўп киритган Матвеева бундан анча матфаатдор, албатта.

Мана, тўп яна Матвеевада, у яна моҳирлик билан харидорчи Волкни алдаб ўтади, дарвозабон билан яккамаякка қолди... Гол... Ҳисоб яна ошди. Бундан руҳланган «Сотувчи-чайқовчилар» ташаббусни қўлга олдилар. Улар кенг майдон бўйлаб ҳаракат қила бошладилар. Мана, тўп Зайнитдиновада... Қани у кимга ошираркин. Йўқ, у Орифжонованн, Волкни ва мана Солиҳовани ҳам алдаб ўтди, дарвоза бўш... Ҳимоячи етиб келармикин! Э, йўқ... Яна гол... Энди «Лақма-харидор»чилар ўзларини эплаб олишлари қийин. Ҳисоб тобора йириклашиб боряпти. Неча бўлди дейсизми! Келинг, яхшиси сизга «Пештахтабол»нинг битта голи нархини тушунтириб берайлик. Сўнгги тўпни Зайнитдинова киритганда, Венгрияда ишлаб чиқарилган аёлларнинг 18 сўмлик тунги кўйлагидан бир нечтасини 22 сўмдан гумдон қилди.

Ие, ие. яна дарвоза олдида хавфли вазият. Темирова тўп билан шахдам олдинга ташланди. Хаш-паш дегунча «Лақма-харидор»чиларнинг дарвозасига Югославия маркаси қўйилган аёлларнинг пальтоларини дўлдай ёғдирди. Ҳарбирининг 30 сўмдан устама ҳақи бор-а!.. Э, қойил шундай голларни ўтказиб юборган «Лақма-харидор»чиларга ҳам «балли!».

Ўйин яна марказдан бошланди. «Лақма-харидор»чилар дарвоза чизиғига яқинлашгач, орқага зудлик билан қайтдилар. Ўйин тез тугаса-ю, чайқов бозорга чопса яхши-да, кўнгилларида...

Ҳа, мана ўйин суръати бироз пасайди. «Лақма-харидор» командаси тақдирга тан берганга ўхшайди. Учрашувнинг тугашига оз вақт қолди. Мана, «Сотувчи-чайқовчи»лар командаси тренери запасдаги Раҳматуллаева, Х. Йўлдошева, С. Конаваловаларни ҳам майдонга чиқарди. Улар ҳам яхши маҳорат кўрсатмоқдалар. Рақибларни доғда қолдиришиб, дарвозага бир-неча бор тўп йўллашди...

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу ўйинни Тошкент шаҳар судининг аъзоси, судья С. Комиловадан шарҳлаб беришни илтимос қиламиз.

— Очиғини айтганда, ўйин ниҳоятда кескин ўтди. Минг афсуски, «Пештахтабол» ўйини ўзини оқламади. 1-магазин командаси совет савдо қоидаларини қўпол равишда бузди. Улар «Пештахтабол» ўйинидан фойдаланишиб, чет эл молларини мунтазам равишда оширма нархда сотиб келдилар...

Лекин асли жумбоқ бошқа томонда. «Пештахтабол» ижодкорлари қўлга олинди-ю, унинг совет савдо ўчоғи, магазинда томир отишига кенг йўл очиб берганларга ҳайфсан ҳам тегмади. Шу ҳам инсофданми! Бутун бошли торгда «Пештахтабол»ни оммалаштиришга жон куйдирганлар бор-ку, ахир. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, бу ерда ўринли бир савол туғилади: нима учун магазин директори, торг раҳбарлари бу ўйинни кўра-била туриб, унга йўл очиб қўйдилар. Нима учун магазинда молия, инвентаризация ўтказиш ишлари ўлда-жўлда! Ўзбекистон ССР Савдо министрлигидаги мутасадди ўртоқлар «Таштекстильшвейторг»да нималар юз бераётганидан хабардормиканлар! Шаҳар савдо Бош бошқармасидаги айрим мутасадди ўртоқлар эса ҳозирча «Пештахтабол» атрофида қарсак чалиб, унинг ихтирочиларига офарин айтишдан нари ўтишмаяпти. Айтинг-айтинг, министрликда ҳам «Пештахтабол»га махлиё ишқибозлар чиқиб қолмасин!

Репортажни Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Нурмат **ТУРСУНМЕТОВ** ва «Тошкент оқшоми» мухбири Тўхтамурод **ТОШЕВ**лар олиб боришди.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 май куни МТ I программасининг кўрсатувлари соат 9.00 дан 18.00 гача 5-канал орқали намойиш этилади.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 14. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Сизранъ». Телефильм.
10.00 Болалар учун фильм. «Уддабурон Берендеев».
11.05 Улуғ Ватан уруши ветеранларидан иборат Москва эркаклар хори куйлайди.
12.00 «Хайвонот оламида».
13.00 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар: «Мен ишчи бўламан», «Ургани давр».
16.10 «Усмирлар ижоди».
16.45 «Ўғил билан суҳбат». «Звездочёт» туркумидан.
17.30 «Объектив».
18.00 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
18.30 Лирик қўшиқлар.
19.00 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «БАМ. Магистралнинг ғарбий участкасида».
20.00 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
20.15 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг якунловчи концерти, Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 «Время».
22.05 «Москва юлдузлари» санъат фестивали концертининг давоми.
23.05 «Ердамга боряпман». Телефильм премьераси.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Фёдор Гладков». Ҳужжатли фильм.
10.05—10.35 «Рус тили».
11.05—11.35 «Караев чашмалари». Телеочерк.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10—13.45 «Я. Купала поэзияси».
14.45 «Сенинг ленинча кутубхонанг», В. И. Ленин. «Америка ишчиларига мактуб».
15.15 «Ҳўжаликни бошқариш мактаби». «Тажрибангни ўртоқларга ўргат».
15.45 И. Соколов-Микитов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
16.30 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қўл жумбоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.10 Концерт.
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Ийл азоби». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун телевизион зонал конкурс. «Ишчи — юксак ном».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва биосфера». Тошкентда ЮНЕСКО халқаро конференциясининг очилишига бағишланади.
20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Касос». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
22.30 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.35 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Тула ҳақида ривоят». Телефильм.
19.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.50 «Узбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

СЕШАНБА, 15. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.10 «Ийл азоби». Бадиий фильм.
11.40 Н. Ёкалиева куйлайди. Фильм-концерт.
12.05 «Социалистик мамлакатлар пойтахтлари бўйлаб».
12.45 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.15 А. Рубинштейн. «Фераморс». Операга ёзилган балет куйлари. Братислава радиосининг симфоник оркестри ижро этади.
16.30 «Бил ва уддала».
17.15 «Купалинка». Фильм-концерт.
17.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.15 «Поэзия». С. Городецкий.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «ЖАСОРАТ АДРЕСИ: ГАЗЛИ». «Коллектив нимага қодир» туркумидан.
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
22.30 Футбол бўйича халқаро учрашув. Финляндия — СССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Кострома бўйлаб саёҳат». Телефильм.
11.05 Ф. И. Тютчев ижоди ҳақида кўрсатув.
12.05 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 1-кўрсатув.
12.35—13.05 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
15.20 Илмий-оммабоп фильмлар: «Лавина тепасида турган одам», «Каспий денгизи ёқасида».
15.50 В. В. Маяковский — рассом.
16.35 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Рационал таъминот ва истеъмолчилик».
19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00—20.30 Жаҳон халқларининг ижоди. Океания халқларининг санъати ҳақида.
20.45 «Тош сувининг сирлари». Илмий-оммабоп фильм.
20.55 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Пирогов». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Опера театри солистлари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Муқаддима». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.40 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Качканар». Телефильм.
19.00 Ўқув программаси.
19.30 Акробатика бўйича ЎзССР биринчилиги. «Ёшлик» спорт аренасидан ёзиб олинган репортаж.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 Ўқув программаси (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 16. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Илмий-оммабоп фильм.
10.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.30 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси.
11.35 «Саёҳатчилар клуби».
12.35 «Капелла маэстроси». Фильм-концерт.
13.05 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Шериклар». Телефильм премьераси. Ноқоратуроқ хўжаликларида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўллари ҳақида.
16.05 «Сен қонунни биласанми?»
16.35 «Ерда, самода ва денгизда».
17.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.35 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.15 «Спорт ҳафталиги».
18.45 «Ёқилғинни тежанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
19.50 «Сиз яратган боғ».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Театр мемуарлари». «Театр — менинг уйим».
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Болакайнинг катта дўсти изланмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Ёғоч одамча тарихи». Ҳужжатли фильм.
12.05—12.35 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 2-кўрсатув.
14.25 «Магнитка мактаби».
15.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.40 М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида.
16.25 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Фил эса гапира олади». Фильм-концерт.
19.15 СССРда II Халқаро музика фестивалининг очилиши. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 «Время».
22.05 «Тўқнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Греция — СССР терма командалари.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Фанга йўл». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Шоирлар — болаларга». Пўлат Мўмин.
19.00 «Диалектика ва замонавий илмий тафаккур» Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Эскиздан экранга». Кино рассоми В. Синиченко. Туғилган кунининг 80 йиллигига (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Муқимий номли театрнинг солистлари ижросида музикали драмалардан ариялар ва дуэтлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ғирром ўйин». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.00 Телефильм.
19.10 «Авлодлар эстафетаси» (рус.).
19.40 «Океандаги орол». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчи экрани.
20.50 Ўқув программаси.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 17. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.00 «Шахсий масала». Телефильм.
10.40 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси.
11.45 «Горнчилар, қаердасиз!».
12.25 СССР музикали фольклори.
12.50 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 Илмий-оммабоп фильмлар.
16.00 «Паустовскийни такрор ва такрор ўқиб».
17.00 «Ирс» қадимий озарбайжон куйлари театрч.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Шахмат мактаби».
18.45 Д. Кабалевский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
19.50 «Миллионлар ленинча университети». «Мактаб инсон ижодий активлигини шакллантиришда муҳим босқич сифатида».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 2-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 РСФСР халқ артисти Ю. Маросин ҳамда МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Коноваловга қарамақарши». Ҳужжатли фильм.
11.05—11.35 «Билимимиз — қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
12.05—12.40 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 3-кўрсатув.
14.05 «Военрук Барановский». Телеочерк.
14.50 «Бу қайноқ олам». Илмий-оммабоп фильм.
15.10 «Отпускага чиқолмади». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қишлоқ янгиликлари».
19.45 «Гуллар бозори». Анъанавий ярмарка ҳақида телефильм.
20.00—20.30 «Онамларнинг мактаби».
20.50 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.20 «Тарханлар». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Тўқнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.10 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Куба—СССР терма командалари.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. «Бизнинг Ватанимиз».
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Ким бўлсам экан?»
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
19.00 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Халқ оғзаки ижоди. Хушвақт Мардонақул ўғли.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пиллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Алаверди». Телевизион бадиий фильм.
19.05 Реклама.
19.20 СССР халқларининг куйлари.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Жаҳон адабиёти классиклари». А. С. Пушкин. «Кичик трагедиялар».
21.30 МТ II

ЖУМА, 18. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.10 «Ер ҳарорати». Телефильм.
10.35 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати С. Слепокуров чалади (баян).
11.00 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 2-фильмнинг 1-серияси.
12.05 «Биз билан бирга, худди биздек, бизсиз ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатиладн.
13.05 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Беш йиллик — ҳар бирининг ишимиз». Телефильмлар.
15.55 «Рус тили».
16.25 Концерт.
16.55 «Уссурий тайгаси бўйлаб саёҳат». Ҳужжатли фильм.
17.05 «Москва ва москвaликлар».
17.35—17.50 Халқ куйлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 Литва ССР бадиий коллективларининг концерти.
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 2-фильмнинг 2-сериясн.
21.30 «Время».
22.05 «Цирк чироқлари порлаганда». Телевизион бадиий фильм.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Тинчлик велосипед пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Иш кунидан сўнг». Телефильм.
12.05—12.40 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 4-кўрсатув.
14.00 «А. П. Чехов театри».
14.55 «Сиз яратган боғ».
15.25 Д. Дефо ва унинг «Робинзон Крузо» китоби.
15.55 СССРнинг монументал санъати.
16.25 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
19.30—20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.45 Марказий телевидение совринни учун мўлжалга олиш спорти бўйича XV анъанавий мусобақалар.
21.20 «Тундрада». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР—Руминия терма командалари.
22.25 Останкино концерт студиясида ёзувчи Д. Гранин билан учрашув.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Шудринг».
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Тенгдошларинг ижодидан».
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бўзсувнинг куздаги жозибаси». Ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»).
18.20 «Ижод саҳифалари». Ё. Хаимов.
19.00 КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Тарбияга комплекс ёндошайлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
20.15 «Баҳорги кинокузатувлар». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ҳамза номли Тошкент музика билим юртининг скрипкачилар ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Телевидение экранида биринчи марта. «Оға-инилар». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Ўқитувчилар учун консультация.
19.00 В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга. «Биз — пионерларимиз». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Халқаро музейлар кунига бағишланган кинопрограмма.
21.30 МТ II

ШАНБА, 19. V

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Спортлото»нинг 20-тиражи.
9.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
10.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 2-фильмнинг 2-сериясн.
11.30 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
12.00 «Халқаро музейлар куни».
12.40 «Улкан тақдир эгалари» туркумидан. Телефильм премьераси.
13.10 «Раймонданинг ранг-баранг образлари». Фильм-концерт премьераси.
13.40 «Усимликлар олами».
14.25 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.55 Пионерларнинг байрам концерти.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.50 Снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
17.20 «Мишка, кичкинтой ва бошқалар...». Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
17.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
18.20 Халқ хорларининг иккинчи Бутунроссия кўриги.
19.05 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.55 «Майли, у сўзга чиқсин». Телеспектакль премьераси. Ж. Лондон асарлари мотивлари асосида.
21.30 «Время».
22.05 Композитор Э. Колмановский асарларидан концерт.
23.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Мактаб қўнғироғидан сўнг». Ҳужжатли фильм.
9.40 «Тонгги почта».
10.10 ВОРОНЕЖ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.35 «Нима? Қаерда? Қачон?»
13.05 Эркин кураш бўйича СССР чемпионати.
13.35 «Кулги кечаси». Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади.
15.10 «Стадион ҳамма учун».
15.40 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан олиб кўрсатилади.
16.40 «Ҳовли тўйи». «Қишлоқ қиссалари» туркумидан телефильм.
17.40 «Транзит». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-ва 2-серналар.
19.45 «Музикали киоск».
20,15—20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат»—«Днепр». 2-тайм.
22.45 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Испания—СССР терма командалари.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
11.10 ЎзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани».
11.55 «Шахмат мактаби».
12.25 Узбекистон телевидениеси чолғу ансамблининг концерти.
13.10 Телевидение экранида биринчи марта. «Деҳқон ўғли». Бадиий фильм.
14.30 Пионерларнинг байрам концерти.
* * *
16.25 Кўрсатувлар программаси.
16.30 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.).
17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Қайрат» (Олмаота). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм.
18.50 «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Май базми». Байрам музикали программаси (1 Майдаги кўрсатув такрорланади).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Гўза парваришига — аъло сифат».
22.25 «Май базми». Байрам музикали программасининг давоми. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

● 17.55—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА, 20.

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 МТ ва БР рус кўшиқчи... ри ижро этади.
10.10 «Будильник».
10.40 «Совет Иттифоқига ... қиламан!».
11.40 «Здоровье».
12.25 «Тонгги почта».
12.55 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
13.05 «Қишлоқ янгиликлари».
14.05 «Музикали киоск».
14.35 «Темур ва унинг ... си». Болалар учун ... он бадиий фильм. 5- ... серналар.
16.45 «Саёҳатчилар клуби».
17.45 Мультфильмлар.
18.15 «Халқаро панорама».
19.00 Л. Малюгин. «Менинг ... ли бахтим». Фильм-... такль.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР ... пионати. «Спартак» — ... педо».
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядка, сафланинг».
9.45 Совет кўшиқларидан ... лар.
9.30 Телевизион ҳужжатли ... лар.
9.55 «Рус тили».
10.25 Скрипка ва оркестр ... учун уч концерт.
11.25—12.25 «Ҳайвонот оламида».
13.50 Эркин кураш бўйича ... чемпионати. Красноярск ... олиб кўрсатилади.
14.20 «Тундрага, утлоққа». ... фильм.
14.45 «Музей ва кўргазма ... бўйлаб». «Москва—Пе... 1- ва 2-кўрсатув. (Танаф... пайтида (15.50) — Ҳужж... фильм).
16.35 «Кустанай». Телефильм.
16.50 «Икки капитан». Олти ... ли телевизион ... фильм. 1-серия.
18.00 «Мухбирларимиз ҳикоя ... ладилар».
18.30 Машҳур совет ихрочи... — Ленин мукофотининг ... реатлари, «М. Бишоу ... лайди». 2-кўрсатув.
19.00 Регби бўйича Европа ... пионати. СССР—Фран... терма командалари.
19.45 «Давлат рус музейи». «Ҳу... ат олами» ва «Рус рассо... лари иттифоқи» уюшма...
20.15—20.30 Рус халқ чолғу ... кестри ижро этади.
20.50 Латвия ССР Давлат ака... мик хори куйлайди.
21.00 Ю. Рябочинская хотира... учун байдарка ва ка... эшкак эшиш бўйича халқа... мусобақалар.
21.30 «Время».
22.05 «Иван Иванович Иван ... форович билан қандай ... золашишди». Бадиий фил...
23.10 «Дунёнинг олтидан бир ... лаги». Илмий-оммаб... фильм.
23.35 Футбол бўйича СССР ... пионати. «Динамо» (Мин... — «Динамо» (Киев). 2-та...

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Телевизион миниатюралар театри.
11.10 «Чет эллик меҳмонлар ... бекистон ҳақида».
11.25 Мультфильмлар.
12.00 «Қувноқ стартлар».
13.00 «Бузилмас иттифоқ». Уз... кистон ССР ва Узбекис... Компартияси ташкил топ... лигининг 60 йиллигига ... ғишланган иттифоқдош ... публикаларнинг телевиз... фестивали. Арманистон ... левидениесининг програм... си.
14.00 «Телевизион театр почта... дан». Кўрсатув.
15.20 «Узбекистон спорти».
15.50 Реклама.
* * *
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари ... «Санъат гунчаларн».
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илм... оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинос... сатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Солдат қалби». Бади... фильм.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● 15.00—21.30 КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЛИБОСИНГИЗ ЧИРОЙ ОЧАДИ

Агарда либосингизни бирорта бежиним тақинчоқ билан безасангиз у янада чиройли кўринади.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ:

1 — «Изумруд» — Т. Шевченко кўчаси, 31-уй;
27 — В. И. Ленин проспекти, 40-уй;
41 — Биринчи Май кўчаси, Марказ—1, 1-«б»-уй.

БУГУН

МАНА ШУ МАГАЗИНЛАРДА

«ЯБЛОНЕКС» ФИРМАСИНИНГ ЧЕХ БИЖУТЕРИЯСИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ

ОЧИЛДИ



Чехословакиялик усталар ясаган тақинчоқлар гўзаллиги ва нафислиги, оригиналлиги ва шаклининг нозиклиги билан ажралиб туради.

КОЛЬЕЛАР, МАРЖОНЛАР, БИЛАКУЗУКЛАР, ТЎҒНОҒИЧ ВА ЗИРАКЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

Кўргазма 31 майга қадар давом этади.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 32-29-70).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Борис Годунов**, 13/V да **Уйқудаги гўзал** (12.00), **Флория Тоска** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12 /V да **Қиёмат қарз**, 13/V да **Зебуннисо** (12.00), **Келинлар қўзғолони** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/V да **Лайли ва Мажнун**, 13/V да **Ватан ишқи**.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА — **13 май соат 20.00 да Ўзбек ашула ва рақс «Шодлик» ансамблининг концерти.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Сувда цирк» Москва циркининг гастроллари (12/V да 15 ва 18.30, 13/V да 11, 15, 18.30 да).

КИНО

12 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎРИ УЯСИ» — Санъат саройи (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 16, 19.30, телефон 44-21-74), **Чайка** (16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — Ватан (жуфт соатларда), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЕНГИЛМАС» — Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛСИН» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Хива** (21.20, телефон 32-78-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 33-44-52).

«ЕЛҒИЗЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ИЗҚУВАР» — М. Шайхзода номли (17, 20.00, телефон 42-39-74).

13 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎРИ УЯСИ» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 16, 19.30, телефон 44-21-74), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — Ватан (жуфт соатларда), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЕНГИЛМАС» — Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛСИН» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Хива** (21.20, телефон 32-78-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 33-44-52).

«ЕЛҒИЗЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ИЗҚУВАР» — М. Шайхзода номли (11, 14, 17, 20 зода номли (11, 14, 17, 20 телефон 42-39-74).

«ҚИШЛОҚ ОТИШМА» — Узбекистон 25 йиллиги номли (тел... ларда, телефон 53-65-07).

Акмал Икромов райони... ги коллективи бухгалтер... бўлими бошлиги У. Ахм... ловага турмуш ўртоғи...

Тўхтамурод АҲМАДҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муноса... билан чуқур таъзия из... қилади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — ... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

12 МАЙ, 1984 й. Р—12248. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10